
ФАРҶОНА ВИЛОЯТИДАГИ АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ 3 КУНЛИК ЎҚУВ-СЕМИНАРДА ҚАТНАШИШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 4 март кунги хатига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари Ахборот хизмати раҳбарлари - матбуот котиблари 9-11 март кунлари махсус ўқув-семинарда қатнашиш белгилаб қўйилган. Семинарнинг биринчи кунинда Президент Мурожаатномасида ОАВ нуфузини ошириш борасида билдирилган фикрлар моҳияти; Замонавий ахборот маконида очиқликни таъминлаш; Коммуникатив инқироз даврида ОАВдан фойдаланиш ва фавқулодда вазиятларда матбуот котибининг кўникмалари; Ижтимоий тармоқларда тарқалаётган ахборотларнинг ивент таҳлилини амалга ошириш; Ахборот очиқлиги шароитида блогерлар фаолияти каби мавзуларда лекторлар маърузалари тингланади. Ўқув-семинари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академиясида бўлиб ўтмоқда. Ўқув-семинарда Фарғона вилоятидаги барча ахборот хизмати раҳбарлари иштирок этишмоқда.

2021-03-10 21:37:42